


I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 5 762,2 млрд. сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,4 фоизни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 101,1 фоиз, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,2 фоиз), саноат – 100,4 фоиз (14,3 фоиз), қурилиш – 100,1 фоиз (8,1 фоиз), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 101,9 фоиз (10,1 фоиз), ташиб ва саклаш, ахборот ва алоқа – 104,7 фоиз (7,8 фоиз) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 105,7 фоиз (24,5 фоиз) ни ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
январь-декабрь ҳолатига (жасамига нисбатан фоизда)**



2017 йилнинг январь-декабрда ЯҲМ таркибида хизматлар соҳасининг улуши 42,4 фоизни ташкил қилди, бу эса 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,1 пунктга камайди (43,5 фоиз). Жумладан, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари 0,8 пунктга камайди ва хисобот даврида 7,8 фоизни ташкил қилди. Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар улуши ўзгаришсиз, яъни 10,1 фоизни ташкил қилди. Хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар улуши 2016 йил январь-декабрдаги 24,8 фоиздан 2017 йил январь-декабрда 24,5 фоизга тушди.

**Ялпи ички (худудий) маҳсулот
2017 йил январь-декабрь ҳолатига**

	ЯИМ (ЯҲМ)		Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ)	
	млрд. сўм	ўсии суръатлари, %	минг сўм	ўсии суръатлари, %

**Ўзбекистон
Республикаси¹⁾** **249 136,4** **105,3** **7 692,4** **103,6**

Қорақалпогистон Республикаси	8 285,2	105,7	4 527,7	104,2
---------------------------------	---------	-------	---------	-------


вилоятлар:

Андижон	14 479,0	106,7	4 847,2	104,9
Бухоро	12 283,9	101,7	6 616,0,	100,2
Жizzах	5 762,2	102,4	4 388,9	100,5
Қашқадарё	17 366,1	103,1	5 568,8	101,1
Навоий	12 317,4	101,3	12 961,6	99,7
Наманган	10 552,5	104,2	3 943,8	102,3
Самарқанд	18 319,5	102,5	4 970,4	100,6
Сурхондарё	10 633,3	103,7	4 274,3	101,6
Сирдарё	5 066,4	97,7	6 259,5	96,2
Тошкент	23 525,3	103,1	8 268,1	101,8
Фарғона	16 773,1	104,0	4 669,0	102,4
Хоразм	8 232,9	104,5	4 597,6	102,8
Тошкент ш.	38 642,9	108,0	15 805,5	106,4

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда.

2017 йил якунига кўра ЯҲМнинг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳрида (108,0 фоиз), Андижон вилоятида (106,7 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (105,1 фоиз) ва Хоразм вилоятида (104,5 фоиз) кузатилди. Ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръатларининг республика даражасига (105,3 фоиз) нисбатан паст кўрсаткичлари Сирдарё (97,7 фоиз), Навоий (101,3 фоиз), Бухоро (101,7 фоиз) ва Жizzах (102,4 фоиз) вилоятларида кузатилди.

**ЯИМни шакллантиришда худудларнинг иштироки
2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (ЯИМ га нисбатан фоизда)**



Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Тошкент шаҳри 15,5 фоизли улуш билан етакчилик қилмоқда, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари мос равишда 9,4 фоиз ва 7,4 фоиз кўрсаткичи билан кейинги ўринларни эгаллашган. ЯҲМнинг энг кам улуши Сирдарё вилоятида (2,0 фоиз), Жizzах вилоятида (2,3 фоиз), Хоразм вилоятида ва Қорақалпоғистон Республикасида (3,3 фоиз) кузатилди.

**Ялпи худудий маҳсулотнинг
тармоқлар кесимида тақсимланиши**
2017 йил январь-сентябрь ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

